

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚИГА БАЙРАМ ТАБРИГИ

Қадрли ватандошлар!
Аввало, сиз, аэизларни, сизлар орқали бутун халқимизни улуг айём — Ўзбек тили байрами куни билан чин қалбимдан самимий муборакбод этаман.
Албатта, кейинги йилларда мамлакатимизда янгича руҳда кенг нишонланаётган бу байрамнинг алоҳида файзи ва шуқуҳи борлигини барчамиз яхши биламиз. Ушбу қутлуг санада миллий қадриятларимиз гултожи бўлган она тилимизнинг тарихимиз ва тақдиримиз, бугунги ҳаётимиздаги ўрни ва аҳамиятини, уни ривожлантириш борасида олдимизда турган долзарб вазифаларни янада чуқур ҳис этамиз.

Аэиз дўстлар!
Сўнгги йилларда Ўзбекистонда барча соҳа ва тармоқлар қаби она тилимиз қадрли ва нуфузини янада ошириш борасидаги сиёсат ва амалий ишларимиз ҳам янги босқичга кўтарилаётганидан хабардорсиз. Бунинг тасдигини ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги мақоми ва обрў-этиборини тубдан ошириш бўйича қабул қилинган тарихий Фармон ва қарорлар мисолида яққол кўриш мумкин.

Ана шундай саъй-ҳаракатларимиз натижасида она тилимиз нафақат мамлакатимизда, балки жаҳон миқёсида ҳам ўзининг муносиб ўрни ва мавқеига эга бўлиб бормоқда. Айниқса, она тилимиз Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг юксак минбарида, улкан сиёсий саммит ва учрашувларда баралла янграб, тинчлик, дўстлик ва ҳамкорлик воситасига айланиб бораётгани барчамизни қувонтиради.

Вазирлар Маҳкамаси таркибида Давлат тилини ривожлантириш департаменти ҳамда Ўзбек тилини ривожлантириш жамғармаси самарали фаолият кўрсатиб, гоят муҳим бу соҳадаги ишларни мувофиқлаштириб келмоқда.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИНИНГ ЙИГИРМАНЧИ ЯЛПИ МАЖЛИСИ ТЎҒРИСИДА АХБОРОТ

2021 йил 20 октябрь куни Тошкент шаҳрида Олий Мажлис Сенатининг йигирманчи ялпи мажлиси ўз ишини бошлади.

Видеоконференцалоқа тарзида ўтказилган мажлисда ҳукумат аъзолари ва идоралар раҳбарлари, Сенат ҳузуридаги Ёшлар парламенти аъзолари, шунингдек, оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Ялпи мажлисини Олий Мажлис Сенати Раиси Танзила Норбеева олиб борди.

Ялпи Мажлис Сенат расмий веб-сайти ва ижтимоий тармоқлардаги саҳифаларида жонли эфирда узатилди.

Олий Мажлис Сенати йигирманчи ялпи мажлисида дастлаб, махсус ишчи гуруҳнинг уй-жойларни ажратиш, уларга ҳуқуқий мақом беришга оид ҳужжатлар, шу жумладан, архив ҳужжатларидан фойдаланиш, ер ва солиқ қонунчилигини таҳлил қилиш бўйича ўрганиш натижалари эълон қилинди. Бу масала Сенатнинг аввалги ялпи мажлисида кўриб чиқилган эди. Суд-ҳуқуқ масалалари ва коррупцияга қарши курашиш қўмитаси раиси ўринбосари Шўхрат Ҷўлиев бу борада амалга оширилаётган ишлар ҳақида маълумот берди.

Кун тартибида “Ўзкимёсанот” акциядорлик жамияти бошқаруви раисининг фаолияти ҳақидаги ахборотини эшитиш ҳам назарда тутилган эди.

Бирок Сенатнинг Халқаро муносабатлар, ташқи иқтисодий алоқалар, хорижий инвестициялар ва туризм масалалари қўмитасининг ушбу масалани янада атрофлича ўрганиш мақсадга мувофиқлиги ҳамда уни кун тартибидан чиқариш тўғрисидаги таклифи сенаторлар томонидан маъқулланди.

Ялпи мажлисда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишини бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили” да амалга оширишга оид Давлат дастурининг 2021 йил учинчи чорагидаги ижроси бўйича Вазирлар Маҳкамаси ҳисоботи эшитилди.

Сенаторлар мамлакатимизда коронавирус пандемиясининг ижтимоий-иқтисодий вазиятга таъсирини юмшатиш борасида ҳукумат томонидан ўз вақтида қўрилган чораларни ижобий баҳолади.

Олиб борилган ислохотлар натижасида 2021 йилнинг январь — сентябрь ойларида ялпи ички маҳсулот ўсиши ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 106,9 фоизни, жумладан, саноат 109,0 фоизни, хизматлар 107,6 фоизни, қишлоқ ҳўжаллиги 104,2 фоизни ташкил қилган. Савдо айланмаси ҳамми 167,0 триллион сўмга етиб, ўтган йилдагига нисбатан 109,8 фоиз ўсган.

Аҳоли бандлигини таъминлаш, ёшлар ва аёлларни қўллаб-қувватлаш, уларни тадбиркорликка кенг жалб этиш мақсадида 90,2 минг нафар фуқаро жумладан, 48,6 минг нафардан ортиқ ёшлар ҳамда 59,6 минг нафар аёл касб-ҳунарга, тадбиркорликка ўқитилган.

Халқ сўзи

2021 йил – Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган



WWW.XS.UZ



E-mail: Info@xs.uz



2021 йил 21 октябрь, № 224 (8004)

Пайшанба

Сайтимиэга Ўтиш учун QR-коддини телефонингиз оркали сканер қилинг.



Газетамизнинг бугунги сонида сайловолди ташвиқоти доирасида Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партиясидан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Шавкат Мирзиёевнинг Сайловолди дастуридан ўрин олган қўллаб устувор йўналишларга оид мақолалар чоп этиляпти.

Мазкур мақолалар Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодларга сайловолди ташвиқоти учун ажратилган бепул нашр майдони доирасида эълон қилинмоқда.

2-саҳифага қаранг. >>>

ТУРКИЯ ОЛИЙ САЙЛОВ КЕНГАШИ ДЕЛЕГАЦИЯСИ ТАШРИФ БУЮРДИ

Туркия Олий сайлов кенгаши делегацияси мамлакатимизда бўлиб ўтадиган Президент сайловини кузатиш мақсадида юртимизга келди.

Кеча Марказий сайлов комиссияси Раиси Зайниддин Низомхўжаевнинг Туркия Олий сайлов кенгаши раиси Мухаррем Аккая ва Олий сайлов кенгаши аъзоси Куршат Хамуржу билан учрашуви бўлиб ўтди.

МСК Раиси меҳмонларни мамлакатимиз миллий сайлов тизимида амалга оширилаётган ислохотлар билан таништириб, сайлов Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ҳамда Сайлов кодексига мувофиқ очик ва ошқора ўтказилаётганини таъкидлади.

Қайд этилганидек, хорижда яшаётган сайловчиларимизнинг ҳам сайлов ҳуқуқларини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шу мақсадда Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови учун элчионалар ва консуллик идоралари ҳузурида 37 та давлатда 54 та сайлов участкаси ташкил этилди. Шу жумладан, Ўзбекистон Республикасининг Анқара шаҳридаги элчихонасида 43-тартиб

рақамли сайлов участкаси ва Истанбул шаҳридаги бош консулхонасида 44-тартиб рақамли сайлов участкаси жойлашган.

Жорий сайлов коронавирус пандемияси даврида ўтказилаётганини ҳисобга олиб, карантин қоидаларига риоя қилиш талабларидан келиб чиқиб, сайлов комиссиялари аъзолари, кузатувчилар, сайловчилар орасида касалик тарқалишининг олдини олиш бўйича махсус йўриқнома ишлаб чиқилди. Сайлов участкаларида, яширин овоз бериш хоналарида, сайлов жараёнининг барча иштирокчиси тиббий ҳимоя воситаларидан фойдаланишлари шартлиги белгиланди.

Туркия Олий сайлов кенгаши раиси Мухаррем Аккая Ўзбекистонда миллий сайлов қонунчилиги ва амалиётини такомиллаштириш борасида амалга оширилаётган изчил ислохотларга юқори баҳо берди.

«Халқ сўзи».

МУДДАТИДАН ОЛДИН ОВОЗ БЕРИШ ЯКУНЛАНДИ

Кеча Ўзбекистонда ва хорижий давлатларда Ўзбекистон Президенти сайловининг муддатидан олдин овоз бериш жараёни якунланди. Сайлов кодексига мувофиқ, муддатидан олдин овоз бериш сайлов кунидан ўн кун олдин, яъни 14 октябрда бошланди, уч кун олдин — 20 октябрь куни нихоясига етди.

Марказий сайлов комиссияси қарори билан мамлакатимизнинг хориждаги дипломатия ва бошқа ваколатхоналари ҳузурида 54 та участка сайлов комиссияси ташкил этилди. Уларнинг таркибига дипломатия ваколатхоналари раҳбарлари, элчихона, бош консулхона, “Uzbekistan Airways” АЖ ва Ташқи меҳнат миграцияси агентлиги ваколатхоналари ходимлари, шунингдек, фаол ватандошлар ҳамда хорижий университетларда тахсил олаётган талабалар киритилди.



«ЮРТИНГИЗДАГИ БУ СИЁСИЙ ЖАРАЁН НАФАҚАТ ЎЗБЕКИСТОН УЧУН, БАЛКИ ЖАҲОН ҲАМЖАМИЯТИ УЧУН ЖУДА МУҲИМДИР»

Айни кунларда мамлакатимиз ҳаётида долзарб сиёсий воқеа — шу йилнинг 24 октябрь куни бўлиб ўтадиган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига тайёргарлик ишлари қизгин паллага кирди.

Этиборлиси, Ташқи ишлар вазирлиги тақдимномасига кўра Марказий сайлов комиссияси томонидан нуфузли хорижий тузилма ва давлатлардан жами 411 нафар халқаро кузатувчи рўйхатдан ўтказилди. МСК халқаро кузатувчилар-

га сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш даврида ўз фаолиятларини амалга ошириш учун мандатларни қонунда белгиланган муддатда тақдим этмоқда.

Муҳбиримиз уларнинг айримлари фикрлари билан қизикди.



ро нуфузини оширишга хизмат қилмоқда. Мамлакатимиз ташаббуси билан мазкур ташкилотнинг Алишер Навоий номидаги халқаро мукофоти таъсис этилгани буюк ажодимиз хотираси ва бебаҳо меросига, шундай улуг зотларни вояга етказган халқимизга бўлган юксак ҳурмат-эҳтиром ифодасидир.

Бугунги кунда мамлакатимизда 150 та миллий маданий марказ иш юритаётгани, ўзбек тили билан бирга, қорақалпоқ, рус, қозоқ, қирғиз, тожик, туркман тилларида оммавий ахборот воситалари фаолият кўрсатаётгани, мактабларимизда таълим-тарбия жараёни 7 та тилда олиб борилаётгани дунё амалиётидаги ноёб тажриба эканини таъкидлаш ўринлидир. Юртимизда чет тилларга ихтисослашган ҳамда ўқув машғулотлари хорижий тилларда ўтиладиган таълим масканлари сони ортиб бораётгани ҳам шу соҳадаги муҳим ўзгаришлар натижасидир.

Мухтарам ватандошлар!
Ўзбек тилини янада ривожлантириш, унинг давлат тили сифатидаги ўрни ва нуфузини янада мустаҳкамлаш борасида олдимизда катта ва масъулиятли вазифалар турганини барчамиз яхши англаймиз.

Ҳозирги кунда мамлакатимизда яшаётган турли миллат вакиллари ва чет эл фуқароларида ўзбек тилини ўрганишга қизиқиш ва эътибор ортиб бораётганини ҳисобга олиб, улар учун махсус дарслик, луғат ва қўлланмалар, видео ва аудиоматериаллар ҳажмини ошириш бўйича ишларни янада кучайтиришимиз зарур.

Ўзбек тили жонажон Ватанимизда яшаётган барча фуқароларимиз учун азиз ва қадрли тилга айланиши, унинг жоэибадорлигини ошириш учун барча

21 октябрь — Ўзбек тилига давлат тили мақоми берилган кун

МИЛЛИЙ ЎЗЛИГИМИЗ, ҒУРУР-ИФТИХОРИМИЗ ТИМСОЛИ

Кўҳна ва қадим ўзбек тилининг илдизлари бениҳоя теран ҳамда мустаҳкам, унинг ибтидоси милодий асрларга бориб такалади. Айтиш жоизки, бу тил икки минг йиллардан бери талотумли тарихнинг турли баланд-паст, текис-нотекис, одил-ноодил чигирикларидан саломат ўтиб, сайқал топиб келмоқда.

Бу тилда битилган, ўзбек-туркий халқ донолигининг бетақдор ҳикматларини ўз бағрига нуқтадонлик билан жо қилган беназир бадиият дурдоналари дунё маданияти хазинасида ўзининг муносиб ва ҳаққоний жойини топиб улгурган, бугун улар жаҳоннинг айни шу муҳташам бадиият қошонасининг тўрида кўр тўкиб турганлиги эътироф этилган.



Ҳосен ПАЙДОВ ошган сурат.

ҚЎМИТА ВАЗИРЛИКНИНГ АХБОРОТИНИ ҚАНДАЙ БАҲОЛАДИ?

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитаси Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлигининг “Жисмоний ва юридик шахсларнинг муносабатларида кўтарилган масалалар қай даражада ҳал этилаётганлиги тўғрисида”ги ахборотини эшитди.

■ Парламент назорати

Жорий йилнинг ўтган даври давомида вазирликка жисмоний ва юридик шахслардан жами 59 минг 960 та муножаат келиб тушган. Худудлар кесимида таҳлил қилинганда, нисбатан энг кўп муножаат — Қашқадарё, Сурхондарё, Самарқанд, Фарғона, Тошкент вилоятлари, Андижон, Наманган, Тошкент шаҳарлари ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси аҳолисидан келиб тушган.

Шунингдек, 2021 йил 8 ойи давомида жисмоний ва юридик шахслардан тушган муножаатларнинг 79 фоизи қаноатлантирилган, 18 фоизига тушунтириш берилган, 1 фоизи рад этилган ва 0,5 фоизи кўрмасдан қол-

дирилган, 1 минг 9 та муножаат тегишлилиги бўйича ташкилотларга йўналтирилган.

Вазирлик тақдим қилган маълумотга кўра, ҳар чоракда муножаатлардан келиб чиққан ҳолда аҳоли муаммоларини аниқлаш ва ҳал этиш бўйича “маҳалла — сектор — Халқ қабулхонаси — маҳалла” тамойили асосида халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари йигилишларида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятида ўраётган долзарб муаммо ва камчиликлар ҳамда уларнинг ечимли бўйича ахборот киритиб бориш, ҳар ҳафта якунида муножаатлар билан ишлаш, ижро интизоми

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Матбуот хизмати.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИНИНГ ЙИГИРМАНЧИ ЯЛПИ МАЖЛИСИ ТЎҒРИСИДА АХБОРОТ



“Темир дафтар”, “аёллар дафтари” ва “ёшлар дафтари”га киритилган 28,6 минг ишсиз фуқарога 58 миллиард 900 миллион сўм субсидия ажратилган. “Ёшлар дафтари”га киритилганларнинг хорижий тиллар ва умумтаълим фанлари бўйича нодавлат таълим ташкилотларида ўқиш харажатларининг бир қисми ҳамда улар бўйича миллий сертификатлар олиш учун ўтказиладиган имтиҳонларни топишири харажатларини қўллаб бериш бўйича давлат хизмати кўрсатиш йўлга қўйилган.

“Обод қишлоқ” ва “Обод маҳалла” дастурларида кўзда тутилган чора-тадбирларни молиялаштириш учун республика бюджетидан 9 триллион 800 миллиард сўм сарфланган ҳамда маҳаллий бюджетларга айнан шу мақсадлар учун 301 миллиард сўм сууда ажратилган.

Аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш мақсадида жами 27 миллион дозага яқин вакциналар олиб келиниб, 23 миллион дозага яқин вакцина билан қарийб 5 ярим миллион аҳоли коронавирусга қарши барча босқичда тўлиқ эмланган.

Шунингдек, мамлакатимиздаги қўшма корхонада ишлаб чиқарилаётган “Sputnik V” вакцинаси аҳолини эмлаш тadbирларида фойдаланиш учун топширилган.

Соғлиқни сақлаш тизимида олиб борилган ислохотлар натижасида 82 та оилавий шифокор пункти ва 19 та оилавий поликлиника ташкил этилган.

Ялпи мажлисда дастур ижросини таъминлаш юзасидан амалга оширилган ишлар билан бирга, айрим камчиликлар мавжудлиги таъкидлаб ўтилди.

Жумладан, маданий мерос объекларининг ҳисобини юритиш, сақлаш ва ҳимоясини таъминлаш доирасида барча маданий мерос кўчмас мулк объекларини қайта тарихий-маданий экспертизадан ўтказиш ҳамда миллий рўйхатини қайта шакллантириш, маданий мерос объеклари электрон порталини яратиш, уни давлат электрон хизматлари билан интеграция қилиш, давлат кадастр ҳужжатини расмийлаштириш ва давлат кадастрлари ягона тизимига тегишли ахборотларни жойлаштириш ишлари якунига етказилмаган.

Айрим ҳудудларда Ёшлар технопарклари фаолиятини ташкил этиш юзасидан олиб борилаётган ишлар қониқарсиз.

Муҳокамалар якунида Олий Мажлис Сенатининг тегишли қарори қабул қилинди.

Шундан сўнг сенаторлар Бош вазир ўринбосарининг етим болалар ва ота-она қарамогидан маҳрум бўлган болаларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва ногиронлиги бўлган болаларга кўрсатилаётган тиббий-ижтимоий хизматлар сифатини яхшилаш юзасидан ахборотини эшитди.

Президент Фармон ва қарорлари ижросини таъминлаш юзасидан олиб борилган ишлар алоҳида қайд этилди. Айниқса, Мехрибонлик уйлари, Болалар шаҳарчалари Президентимиз томонидан Миллий гвардиянинг маъсул сифатида бериштирилиши соҳада йиллар давомида ййилиб қолган муаммолар секин-аста ўз ечимини топишига олиб келаётгани таъкидланди.



Қайд этилганидек, Болалар масалалари бўйича миллий комиссия ҳамда ҳудудий комиссиялар тўғрисидаги низомилар тасдиқланган. Болаларни уй-жой билан таъминлашнинг “онлайн-навбат” тизими — m.maktab.uz ишлаб чиқилиб, амалиётга жорий қилинган. 675 нафар бола уй-жой билан таъминланган. Фарзандликка олиш жараёнида шаффофликни таъминлаш мақсадида “Васийлик” электрон ахборот тизими яратилган. Ойлага тарбияга олинган 141 нафар ногиронлиги бўлган бола тиббий қўриқдан ўтказилган ва 118 нафари даволаш муассасаларига жойлаштирилган.

Сенаторлар бажарилган ишлар билан бирга, ижроси ўз вақтида таъминланмаган топшириқларга ҳам эътибор қаратди.

Хусусан, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, туман-шаҳар ҳокимликларидagi

Болаларни ҳимоя қилиш масалалари котибиятлари ва шуъбалари ҳамон тўлиқ иш бошламагани, улар фаолиятини тартибга солуви меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар тасдиқланмагани сенаторлар эътирозига сабаб бўлди.

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг ўз вақтида қабул қилинмаслиги жойлардаги ислохотлар суръати ва самарадорлигига салбий таъсир кўрсатади.

Ҳозирги кунда оилавий болалар уйларини ташкил этиш истагида бўлган юртдошларимиз сони кундан-кунга ортиб борапти. Лекин мазкур жараёنларни тартибга солуви меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар бугунги кун талабларига жавоб бермайди. Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 31 июлдаги “Оилавий болалар уйлари тўғрисидаги низоми тасдиқлаш ҳақида”ги қарори билан тасдиқланган Низомни янгилаш зарур.

Ушбу масала юзасидан Сенатнинг тегишли қарори қабул қилиниб, етим болалар ва ота-она қарамогидан маҳрум бўлган болалар ҳамда ногиронлиги бўлган ўғил-қизларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашда парламент ва ҳукумат яқин ҳамкорликда иш олиб боришига келишиб олинди.

Сўнгра ялпи мажлисда Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлигининг кўп қавртирالي уй-жойларга хизмат кўрсатилиши ва бошқарув компаниялари фаолияти самарадорлиги бўйича олиб борилаётган ишлар юзасидан ахбороти эшитилди.

“Кўп қавртирالي уйларни бошқариш тўғрисида”ги Қонун, Президентнинг кўп қавртирالي уй-жойларни бошқариш тизимини такомиллаштириш, бошқарув органлари молиявий барқарорлигини таъминлаш, уларнинг умумий мол-мулкни сақлаш, самарали фойдаланиш, уйларга туташ ер участкасини ободонлаштириш таъминлашга қаратилган Фармон ва қарорлар ижроси бўйича вазирлик томонидан муайян ишлар бажарилган.

Соҳада самарадорлиқни ошириш мақсадида сўнгги беш йилда 1 та Қонун, Президентнинг 1 та Фармони ва 2 та қарори қабул қилинган бўлиб, мазкур жараёнда вазирлик фаол иштирок этган.

Биргина “Кўп қавртирالي уйларни бошқариш тўғрисида”ги Қонун нормаларини амалда қўллаш бўйича Тошкент шаҳрининг Яққасарой тумани ҳамда Жиззах ва Марғилон шаҳарларида кўп қавртирالي уйларни бошқариш бўйича ўтказилган ҳуқуқий эксперимент бевосита вазирлик масъулияти асосида ташкил этилган.

Қонуннинг 18 та моддасига ўзгартиш ва қўшимчалар киритилган.

2021 йил 1 сентябрь ҳолатига республикада жами 38 373 та кўп қавртирالي уй мавжуд бўлиб, шундан 25 985 таси 4 185 та уй-жой мулкдорлари ширкати ва 9 840 таси 290 та бошқарув ташкилоти, 714 таси мулкдорлар, ташкилотлар (балансида бўлгани учун) тасаруфда бошқарилади.

1 834 та кўп қавртирالي уй бошқарувсиз бўлиб, уларнинг аксарияти янги қурилган кўп қаватли уйлاردир.

Республикадаги жами 4 185 та ширкатнинг 1 351 таси яхши, 1 658 таси ўрта ва 1 176 таси оғир тоифадаги ширкатлар сирасига киради.

Кўп қаватли уйларга хизмат кўрсатиш бўйича аксарият ширкатлар фаолияти самарасиз эканлиги, боқиманда тарзда ишлаши натижасида қарздорлик йилдан-йилга ошиб бораётганлиги, қонун ҳужжатларида кўрсатилган мажбуриятлар бажарилмаётганлиги каби ҳолатлар аниқланган.

Жиззах, Марғилон шаҳарлари ва Тошкент шаҳрининг Яққасарой туманида қонунчилик талабларига зид равишда маҳалла фуқаролар ййинлари раислари буйруқлари билан ширкат бошқаруви раислари тайинлаб келинган.

Шунингдек, ширкат бошқаруви раисининг тегишли малака сертификатига эга бўлиши кераклиги тўғрисидаги қонун талаби ҳам бажарилмаган.

Тизимдаги муаммоларни бартараф этиш мақсадида “Кўп қавртирالي уйларни бошқариш тўғрисида”ги Қонунга биноан, бугунги кунда республикада жами 290 та бошқарув компанияси фаолият юритаётган бўлиб, Юнусобод, Яққасарой туманлари ҳамда Жиззах ва Марғилон шаҳарларида кўп қавртирالي уйларни бошқариш бўйича ҳуқуқий экспериментлар ташкил этилган.

Хусусан, Юнусобод туманида, асосан, 12 та бошқарув компанияси фаолият юритаётган бўлиб, қонунчиликка мувофиқ Тошкент шаҳар ҳокимлигининг расмий веб-сайтида эълон қилинган очиқ танловлар натижасида голибликка эришиб, тумандаги 1 030 та кўп қаватли уйга хизмат кўрсатишни бошлаган.

Тумандаги кўп қавртирالي бошқарув компанияларининг хизмат кўрсатиши туфайли авария ҳолатлари 60 фоизга, мулкдорларнинг муддати ўтган мажбурий бадал бўйича қарздорлиги 25 фоизга қисқарган ҳамда 1,4 миллиард сўмлик банк кредити қайтарилган.

Вазирлик томонидан Қонун талабларига биноан кўп қавртирالي уй-жойларга хизмат кўрсатилиши ва бошқарув компанияларининг самарадорлигини таъминлашда биллинг тизимини жорий этиш бўйича Президентнинг 2021 йил 19 июндаги 5152-сон қарори ижросини таъминлаш Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда фаолият юритаётган “Ягона ҳисоб-китоб маркази” ДУКлар фаолиятини талаб даражасида йўлга қўйиш, кўп қавртирالي уйларни сақлаш билан боғлиқ харажатлар бўйича ҳисоб-китоб ишларини юритишда очилкиб ва шаффофликни таъминлаш учун уй-жой мулкдорлари ширкатларида мажбурий бадаллар ҳисоб-китобини юритиш ва ахборот-маслаҳат олиш имконини берадиган биллинг тизими — “Обод уй” электрон дастурини амалда самарали қўллаб бориш каби вазифалар устувор этиб белгилаб олиниши таъкидланди.

Мазкур масала юзасидан Олий Мажлис Сенатининг тегишли қарори қабул қилинди.

Шунинг билан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати ййигирманчи ялпи мажлисининг биринчи иш куни якунланди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Ахборот хизмати.

ҲАР БИР МАСАЛА ҚИЗҒИН МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

Аввал хабар берилганидек, кеча Олий Мажлис Сенатининг ййигирманчи ялпи мажлиси ўз ишини бошлади. Унинг дастлабки кунидан ўрин олган ҳар бир масала сенаторлар томонидан қизғин қўриб чиқилди. Парламент юқори палатаси вакиллари мазкур масалалар юзасидан ўзларининг фикрларини қуйидагича баён қилди.



Фикр

ДАВЛАТ ДАСТУРИ ИЖРОСИ ҚАНДАЙ ТАЪМИНЛАНЯПТИ?



Бахтиёр САЙФУЛЛАЕВ,
Олий Мажлис Сенатининг Ёшлар, маданият ва спорт масалалари қўмитаси раиси:

“Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили”да амалга оширишга оид Давлат дастурининг 2021 йилнинг учинчи чорагидаги ижроси бўйича Вазирлар Маҳкамасининг ҳисоботида буларнинг барчаси акс этган.

Унда келтирилганидек, олиб борилган ислохотлар натижасида 2021 йилнинг январь — сентябрь ойларида ялпи ички маҳсулот ўсиши ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 106,9 фоизни, жумладан, — 109, жиматлар — 107,6, қишлоқ ҳўжалиги 104,2 фоизни ташкил қилган. Савдо айланмаси ҳажми 167 триллион сўмга етиб, ўтган йилдагига нисбатан 109,8 фоиз ўсган. Айни пайтда 90,2 минг нафар фуқаро касб-ҳунар ва тadbиркорликка ўқитилган. Шу билан бирга, “темир дафтар”, “аёллар дафтари” ва “ёшлар дафтари”га киритилган 28,6 минг ишсиз фуқарога 58 миллиард

900 миллион сўм субсидия ажратилган. Давлат дастури ижроси билан боғлиқ бошқа ютуқлар ҳам кўп. Аммо ушбу муҳим ҳужжатда белгиланган айрим вазифаларнинг бажарилмасдан келинаётгани ташвишлидир. Масалан, туризм соҳасидаги битирувчиларни иш билан таъминлаш мақсадида иш берувчилар билан ҳамкорлиқни ташкил этишга қаратилган онлайн-платформа яратиш топшириғи талаб даражасида бажарилмаган. Қолаверса, барча маданий мерос кўчмас мулк объекларини қайта тарихий-маданий экспертизадан ўтказиш ва миллий рўйхатини қайта шакллантириш, маданий мерос объеклари электрон порталини яратиш, давлат кадастр ҳужжатини расмийлаштириш ва давлат кадастрлари ягона тизимига тегишли ахборотларни жойлаштириш ишлари якунига етмаган.

Шулардан келиб чиқиб, муассасалар олдида аниқ вазифалар қўйилди.

БОЛАЛАРНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ДОИМИЙ ЭЪТИБОРДА, АММО...



Дилором ТОШМУХАМЕДОВА,
Олий Мажлис Сенатининг Ёшлар, маданият ва спорт масалалари қўмитаси раиси ўринбосари:

тиббий қўриқдан ўтказилган, 118 нафари даволаш муассасаларига жойлаштирилган.

Тўғри, булар эътиборга молик ишлар. Аммо муайян камчиликлар ҳам борки, бу ҳеч кимни безъэтибор қолдирмаслиги аниқ. Масалан, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, туман ва шаҳар ҳокимликларидagi болаларни ҳимоя қилиш масалалари котибиятлари ва шуъбалари ҳамон тўлиқ иш бошламаган. Қолаверса, улар фаолиятини тартибга солуви меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар тасдиқланмаган.

Мутасадди ташкилотлар мисолида айтadиган бўлсак, Молия вазирлиги томонидан етим болалар ва ота-она қарамогидан маҳрум бўлган болаларга ҳар ўқув йилида бир маротаба ўқув, илмий ва бадий адабиётлар (китоблар) хараид қилиш харажатлари учун Давлат бюджетидagi маблағлари томонидан базавий ҳисоблаш миқдорининг 5 баравари даражасида субсидиялар ажратиш вазифаси ҳозиргача бажарилмаган. Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги эса вазийлик ҳамда ҳомийлик соҳасида кадрлар тайёрлаш учун олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари классификаторини қайта қўриб чиқиши керак эди. Аммо бу масала ҳам ҳамон очик қолмоқда.

Яна қатор камчиликлар борки, улар ҳам сенаторларнинг жиддий эътирозларига сабаб бўлди.

УЙ-ЖОЙИНГИЗГА КЎРСАТИЛАЁТГАН ХИЗМАТДАН РОЗИМИСИЗ?

Эркин ГАДОЕВ,
Олий Мажлис Сенатининг Бюджет ва иқтисодий ислохотлар масалалари қўмитаси раиси:

— Инсон ҳаёти тўқислигини белгилайдиган омиллардан бири, шуҳасиз, унинг барча қулайликка эга ўз уй-жойи бўлишидир. Шу боис ҳам ялпи мажлисда Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлигининг кўп қавртирالي уй-жойларга хизмат кўрсатилиши ва бошқарув компаниялари фаолияти самарадорлиги бўйича олиб борилаётган ишлар юзасидан ахбороти сенаторлар томонидан қизғин муҳокама қилинди.

Таъкидланганидек, бу борада вазирлик томонидан муайян ишлар амалга оширилган. Хусусан, мазкур вазирлик томонидан “Кўп қавртирالي уйларни бошқариш тўғрисида”ги Қонун нормаларини амалда қўллаш бўйича Тошкент шаҳрининг Яққасарой тумани ҳамда Жиззах ва Марғилон шаҳарларида кўп қавртирالي уйларни бошқариш бўйича ҳуқуқий эксперимент ўтказилган.

Маълум бўлишича, 2021 йил 1 сентябрь ҳолатига кўра, мамлакатимизда жами 38 минг 373 та кўп қавртирالي уй мавжуд бўлиб, улар уй-жой мулкдорлари ширкати, бошқарув ташкилоти ёки мулкдорлар ва ташкилотлар (балансида бўлгани учун) томонидан бошқарилади. Аммо 1 минг 834 та кўп қавртирالي уй бошқарувсиз бўлиб, уларнинг аксарияти янги қурилган уйлاردир.

Бугун республикадаги жами 4 минг 185 та ширкатнинг 1 минг 351 таси яхши, 1 минг 658 таси ўрта ва 1 минг 176 таси оғир тоифадаги ширкатлар сирасига киради. Шунинг ўзиёқ кўп қаватли уйларга хизмат кўрсатиш даражаси қониқарли эмаслигидан дарак беради.



Бу эса ҳақли равишда аксарият аҳолининг норозилигига сабаб бўлмоқда.

Ширкатларнинг молиявий ҳолати, кредитор ва дебитор қарздорлиги бора-борагидаги вазият ҳам қониқарли эмас. Уй-жой мулкдорларининг мажбурий бадални ундириши паст даражадаги тижорат банкларида олинган кредит қайтарилмаслигига, ҳодимлар иш ҳақи ойлаб тўланмаслигига сабаб бўляпти. Аниқ айтadиган бўлсак, аҳолининг ширкатлар олдидаги қарздорлиги 187,4 миллиард сўмни ташкил этади.

Айтиш жоизки, тизимдаги муаммоларни ҳал этиш мақсадида бугун мамлакат бўйича 290 та бошқарув компанияси фаолияти йўлга қўйилган. Масалан, Юнусободда 12 та бошқарув компанияси бўлиб, улар Тошкент шаҳар ҳокимлигининг расмий веб-сайтида эълон қилинган очиқ танловларда голибликка эришиб, тумандаги мингдан зиёд кўп қаватли уйларга сифатли хизмат кўрсатишни бошлаб юборди.

Қўриниб турибдики, тизимдаги муаммоларни ҳал этиш мумкин. Бунинг учун иштиёқ ва изчил саъй-ҳаракат бўлса бас.

«Халқ сўзи».



2017 — 2021 йилларда ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ БЕШТА УСТУВОР ЙЎНАЛИШИ БЎЙИЧА ҲАРАКАТЛАР СТРАТЕГИЯСИНИНГ АМАЛГА ОШИРИЛИШИ ПАРЛАМЕНТ НИГОҲИДА

Илм-фан, таълим ва тарбияни такомиллаштириш соҳасида



Мактабгача таълим билан қамров даражасининг динамикаси



Халқ таълими тизими педагоглари сифат таркиби яхшиланди




Олий маълумотли кадрларни тайёрлашнинг истиқболлари



6 ёшли болаларни мактабгача таълим билан қамраб олиш динамикаси



Нодавлат МТТларига қамраб олинган болалар улуши динамикаси




Қамраб олинган болалар сони 11 643 нафардан (1,6%) 445 944 нафарга (25,3%) етказилган

Халқ таълими тизимида нодавлат таълим муассасалари сони




Олий ўқув юртидан кейинги таълимга қабул қулаи кенгайди



Илмий фаолият самарадорлиги



Илм-фан ва таълимни ривожлантиришга доир лойиҳалар



МИЛЛИЙ ЎЗЛИГИМИЗ, ҒУРУР-ИФТИХОРИМИЗ ТИМСОЛИ

1 Бу ўринда ўзбек халқининг юз йилликлар ҳам торлик қиладиган муаззам оғзаки ижоди дурдоналарини, мутафаккир бобомиз, закий ва бекиёс сўз синчиси Алишер Навоийнинг ҳар қандай одамнинг тахайюли ва шуурини шоширадиган, ҳайрат бармоғини тишлатадиган ижод гавҳарларини ва яна бошқа кўплаб улғу алломаларимизнинг чинакам ҳикмат булғоғи сифатида мангуликка ўз тугган асарларини тилга олиш мумкин. Уларда ўзбек тили ўзининг сурату сийратини, ақлий ва бадий қувватини, туйғу ва сезги бобидаги бетимсол имкониятларини, айна пайтада ўзбекистоннинг бутун руҳий-маънавий оламини бор бўйича намоён этиб келмоқда.

Шуни ҳам таъкидламоқ кераки, инсондаги туйғулар орасида бир туйғу борки, у одамга моҳият ва шаклият бахш этадиган тенгсиз восита ўлароқ бош ўринни эгаллайди. Бу туйғу ҳамиятдир. Буюк юнон математиги ва файласуфи Архимеднинг "Менга таянч нуқтани топиб беринг, мен Ер қурагини жойидан силжитаман" деган гапи бор, яъни ҳар қандай оғирликни кўтариш учун муайян таянч нуқта лозим бўлади. Машҳур рус адаби Тургенев инсон тарбиясида айна шу ҳамият, нафсониятнинг "ерни силжитиши" мумкин бўлган Архимед дастағидир" дея таъриф этади. Зотан, ҳамиятнинг олға ҳаракатини шахс ҳамиятисиз тасаввур этиб бўлмайди.

"Ўзбек тилининг изоҳли лугати"да "ҳамият" сўзига шундай изоҳ берилган: "Ўзининг ва ўзига қарашли кишиларнинг ор-номусини бошқаларнинг таъжовуздан ҳимоя этишга бўлган интилиш, ор-номусини пок саклаш туйғуси, орият". "Ҳамият" сўзи "ҳимоя", "ҳомий" каби сўзлар билан ўзқадҳо, "орият", "нафсоният" каби сўзлар билан маънодошир, уларнинг барчаси ҳам инсон ички оламининг беҳад бикир устуларини бўлган тушунарларини ифода этади.

Ҳамиятчи ҳамиятчи ҳамиятчи аъзолар бўлгандагина шакллана олади. Ҳеч бир шубҳасизки, ҳамиятчи ҳамиятчининг ҳимоячиси, энг аввало, она тилидир, чунки миллатнинг бош белгиси тил бўлиб, унга ҳар қандай но-

писандлик бевосита ҳамиятга нисбатан ҳурматсизлик тарзида идрок этилмоғи табиий. Чинакам ҳамиятчи одам ўз она тилига асло нописандлик билан қарамайди, бошқалар тарафидан нафақат ўз тилининг, балки ўзга тилларнинг ҳам, заррача бўлсин, камситилишига бефарқ бўлмайди. Она тилига ҳар қандай дахлнинг у ўз ҳамиятга дахл деб билади. Ҳамиятчи одамгина она тилининг оҳангидан фохр туй олади. Албатта, бу ҳақиқатни, бир ор бўлсин, фаромуш қилмаслик фарзидир.

Сир эмаски, шундай гўзал ва қадим, айна пайтада миллат ҳамиятининг чин устуни бўлиши ўзбек тилимиз узок замонлар зуғумлар, нописандликлар остида қолди, бу, албатта, қалбларга адоқсиз оғрик туҳфа этди.

Мамлакатимизда 1989 йилнинг 21 октябрида қабул қилинган "Давлат тили ҳақида"ги Қонун юртимиз тарихида ғавқуллодда тарихий воқеа бўлди. Давлатимиз раҳбари 2019 йилнинг 21 октябрида ўзбек тилига давлат тили мақоми берилганининг ўттиз йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги нутқида таъкидлаганидай, бу тарихий воқеа "Ўзбекистоннинг давлат мустақиллиги сари қўйилган биринчи дадил қадам эди".

Мамнуният билан таъкидлаш жоизки, ана шу тантанадаги Президентимиз нутқи, шу кун у киши томонидан имзоланган "Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармонидан кейин мамлакатимизда давлат тилини ривожлантириш тарихида замонамизни бошқариш билан аниқ чизиб берилди. Бу борадаги амалий ишлар ижросини жадаллаштириш юзасидан бир қатор расмий ҳужжатлар қабул қилинди. Бугун жадал суръатларда олиб борилаётган ишларнинг нақд натижалари барчамизнинг кўз ўнгимизда намоён.

Давлат тили бўйича қонуннинг янги таҳрири ишлаб чиқиши мамлакатимизда давлат тили тараққиёти тарихида ўзига хос босқични бошлаб бериши, шубҳасиз.



2019 йил 21 октябрдаги ўзбек тилига давлат тили мақоми берилганининг ўттиз йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги нутқида давлатимиз раҳбари 21 октябрь сана-сини юртимизда "Ўзбек тили байрами кун"и деб белгилаш кераклигини таъкидлади. 2020 йилнинг 10 апрелида Ўзбекистон Республикасининг "Ўзбек тили байрами кунини белгилаш тўғрисида"ги Қонуни қабул қилинди.

Мазкур тарихий нутқда Президентимиз томонидан айтилган ушбу ҳақиқат хамиша ҳар бир фуқаронинг шурида барқарор бўлмоғи керак: "Муктабс айтганда, ҳар биримиз давлат тилига бўлган эътиборни мустақилликка бўлган эътибор деб, давлат тилига эътибор ва садоқатни она Ватанга эътибор ва садоқат деб билишимиз, шундай қарашни ҳаётимиз қондасига айлантиришимиз лозим". Ўзбек тили байрами кун шукҳи мамлакатимиздаги ҳар бир фуқаронинг қалбини нурафшон қилади. Давлат тилига бўлган эътибор ва садоқатни она Ватанга эътибор ва садоқат деб билиш ҳаётимиз қондасига айланиши юртимиздаги ҳар бир фуқароси қалбида бикир ҳамиятнинг барқарор бўлиши демакдир.

Ўзбек тилининг боқийлик байрами, миллат ҳамияти байрами барчамизга муборак бўлсин, бу мўътабар байрам шукҳи ҳеч биримизни тарк этмасин.

Низомиддин МАҲМУДОВ,
ЎзРФА Ўзбек тили, адабиёти ва фольклор институтининг директори,
филология фанлари доктори,
профессор.

«ЮРТИНГИЗДАГИ БУ СИЁСИЙ ЖАРАЁН НАФАҚАТ ЎЗБЕКИСТОН УЧУН, БАЛКИ ЖАҲОН ҲАМЖАМИЯТИ УЧУН ЖУДА МУҲИМДИР»

1 Бу йилги сайлов кампанияси тadbирлари Сайлов кодекси талаблари ва демократик принципларга мувофиқ амалга оширилмоқда. Пандемияга қарамай, сайлов комиссиялари аъзолари учун каскад усулида ўқув семинарлари уюштирилгани, қолаверса, аҳолининг сайловга оид ҳуқуқий саводхонлигини ошириш бўйича таъсирчан видеороликлар, ўқув қўлланмалари тайёрлангани ҳам диққатга сазовор.

Яна бир масала, бу — ташвиқот кампанияси. Бу ҳақда гапирганда, Президентликка номзодлар ҳақидаги материалларни тарқатишда тенглик ва адолат тамойилига қатъий амал қилинаётганини, ишончли вакилларнинг сайловчилар билан учрашувлари юқори даражада

ўтказилаётганини эътироф этишни истардим. Бизнинг қисимимизда 162 кузатувчи ишляпти. Сайлов кунини улар деярли барча ҳудуддаги сайлов участкаларида бўлади. Уларнинг маълумотлари асосида миссиямизнинг якуний ҳисоботи тузилади.

Анисул ХАК,
ИХТ Бош қотибиятининг Халқаро муносабатлар департаменти директори:

— Ўзбекистон Ислон ҳамкорлик ташкилотига аъзо бўлган 57 давлатдан бири ҳисобланади. Бизнинг ташкилот Ўзбекистонга катта эътибор қаратади ва мамлакатингизда бўлаётган ўзгаришларни юқори баҳолайди.

Ўзбекистонда ўтказилаётган Президент сайловига кузатувчи сифатида иштирок этаётганимиздан гоёт мамнунмиз. Юртингиздаги бу сиёсий жараён нафақат Ўзбекистон учун, балки жаҳон ҳамжамияти учун жуда муҳимдир.

Биз 20 октябрдан тўлақонли кузатувчи сифатида ўз фаолиятимизни бошладик. Кузатув натижалари бўйича миссиямиз томонидан ҳисобот тайёрланади ва сайловни ташкил этиш юзасидан баёнот берилади.

Ишонаманки, сайлов юқори даражада, адолат тамойиллари асосида бўлиб ўтади.

Раҳим ШЕРҚУЛОВ
(«Халқ сўзи») ёзиб олди.

МУДДАТИДАН ОЛДИН ОВОЗ БЕРИШ ЯҚУНЛАНДИ

14 — 20 октябрь кунлари Ўзбекистоннинг чет элдаги дипломатия, консуллик ва бошқа муассасаларида ташкил этилган сайлов участкалари хорижий мамлакатлардан бўлиб турган фуқароларимизнинг сайлов ҳуқуқини таъминлаш учун қулай шарт-шароитларни яратди. Натижада юртошларимиз дунёнинг қарийб 50 мамлакатидagi шаҳарлар, жипс яшаш жойлари ҳамда олий ўқув масканларида яратилган 300 дан ортқ муддатидан олдин овоз бериш пунктларида сайлов жараёнида қатнашди.

COVID-19 пандемияси билан боғлиқ мавжуд вазият, шунингдек, мезбон давлатлар қонунчилик талаблари ва жорий этилган карантин чекловларини ҳисобга олган ҳолда, муддатидан олдин овоз бериш жараёни эпидемиологик хавфсизлик чораларига мувофиқ ўтказилди. Хусусан, бинолар олдиндан дезинфекция қилинди,

уларнинг барчаси дезинфекцияловчи воситалар ва юз никоблари билан таъминланди, ижтимоий масофага риоя қилинди.

Ўзбекистоннинг Озарбайжон, Буюк Британия, Исроил, Испания, Италия, Қозғоғистон, Хитой, Қирғизистон, Россия, Корея Республикаси, БАА, АҚШ, Туркия, Япония ва бошқа мамлакатлардаги элчихоналарида ташкил этилган барча сайлов участкаларида муддатидан олдин овоз бериш ўтказилди.

Ўзбекистоннинг дипломатия муассасалари бўлмаган хорижий мамлакатларда муддатидан олдин овоз бериш масаласига алоҳида эътибор қаратилди. Хусусан, Ўзбекистоннинг элчихоналари ва бош консулхоналари бўлган 11 мамлакатда кўнма овоз бериш нуқталари йўлга қўйилиб, уларда сайлов жараёни миллий қонунчиликка тўлиқ мос равишда уюштирилди. Ушбу жараёни юқори даража-

да ташкил қилиш учун ўзбек дипломатлари хорижий давлатларнинг расмий вакиллари, шаҳар маъмуриятлари, қорхоналар, олий билим юрталари ва бошқа ташкилотларнинг раҳбарлари билан қўлаб қўлаб улашувлар ўтказди. Бундан ташқари, сайловчиларнинг электрон рўйхатини тузиш, юртошларимизнинг овоз бериш жойи ва вақти тўғрисида хабардор қилиш борасида кенг қўламли ишлар амалга оширилди.

Энг кўп кўнма овоз бериш нуқталари Қозғоғистон, Россия, Корея Республикаси, Бирлашган Араб Амириклар, АҚШ, Туркия каби мамлакатларда ташкил этилди. Муддатидан олдин овоз беришнинг бориши ҳақидаги маълумотлар Ўзбекистон оммавий ахборот воситаларида кенг ёритилди. Хусусан, "Дунё" ахборот агентлиги мунтазам равишда хорижий шаҳарларда овоз бериш жараёни тўғрисидаги тежор маълумотлар-

ни эълон қилиб борди, МТРК муддатидан олдин овоз бериш жойларидан эфирга телерепортажлар узатди. Шундай қилиб, Ўзбекистон фуқароларининг чет элда муддатидан олдин овоз бериш жараёнининг шаффофлиги ва очиқлиги таъминланди.

Миллий сайлов қонунчилигига кўра, овоз бериш тугагандан сўнг, участка сайлов комиссияси аъзолари кўнма сайлов қўтисини очади, овозларни ҳисоблашдан махсус қўлчага жойлаштиради, унга муҳр қўяди ва бу ҳақда далолатнома тузади. Мухрланган қўнма далолатнома билан бирга сайлов участкасига етказилади ва сайлов кунини овозларни санаш жараёни бошлангунга қадар сақланади.

Муддатидан олдин овоз бериш натижалари сайловдан кейин бошқа сайловчиларнинг овозлари билан бирга қўшиб ҳисобга олинади.

«Дунё» АА.

Халқ сўзи Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 1048. 30 471 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоиси келишилган нарҳда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни қўлаб олиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 71-233-52-55;
Котибият 71-233-10-28; Эълонлар 71-232-11-15.



Таҳририятга келган қўёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор А. Исмаилов томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик ҳажатдан сифати чоп этилишига "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи муҳаррир — М. Каримова.
Мусаҳҳиҳ — С. Исмолов.

"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили:
Буюк Турон кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 22.15 Топширилди — 23.40 1 2 3 4 5 6